

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАХОНОВА ОЙСАРА ЮЛДОШЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА
ЎРГАТИШНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Карахонова Ойсара Юлдошевна

Бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш.....5

Карахонова Ойсара Юлдошевна

Усовершенствование дидактической системы обучения логическому мышлению учеников начальных классов.....21

Karakhonova Oysara Yuldoshevna

Improvement of the didactic system of training logical thinking for students of elementary classes.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАХОНОВА ОЙСАРА ЮЛДОШЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА
ЎРГАТИШНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped189 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Роҳатой Ғайбуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адилов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Машаринова Умида Абдувоҳидовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузурдаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "26" 08 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 180100, Ўзбекистон, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail:kardu@mail.ru

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Ўзбекистон, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56). e-mail:kardu@mail.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 08 да тарқатилди.
(2021 йил «19» 08 даги 6 -рақамли реестр баённомаси)



Р.Д.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

П.Б.Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.
(PhD), доцент

Х.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон замонавий таълими олдида турли вазиятларни оқилона таҳлил қилиш, мураккаб вазиятларда ечим топиш усулларини ривожлантириш, муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш йўлини ишлаб чиқиш учун режалаштирилган имкониятларни янада кенгайтириш зарурати мавжуд. Шунинг учун бугунги кунда, фан, узлуксиз таълим ва умуман жамият олдидаги энг муҳим вазифа - ҳар жойда фаол, мустақил фикрли, тафаккури ривожланган авлодни шакллантириш, уларни нафақат илм-фан ютуқлари, балки юқори даражадаги маданият билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ. Ривожланган давлатлар таълим тизимида интегратив машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга устуворлик берилиб, компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларни онгли баҳс-мунозара юритишга ўргатиш, фикрлашга ундаш, ўз нуқтаи-назарларини баён қилишларига имконият яратиш, ўзаро фикр алмашишлари учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда инсонни мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнини тизимлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш методикаларини лойиҳалаштиришга доир қатор изланишлар амалга оширилмоқда. Бунда ўқувчиларнинг кенг ва ижодий фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, болаларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари ва компетенциявий ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнини самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолияти кўлами даражасини кенгайтириш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалаларига устуворлик беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда бошланғич таълим тизимининг методик таъминотини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида ўқувчиларда мантиқий мушоҳада юритиш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, унинг интеграциялашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, болаларни мантиқий фикрлашга ўргатишнинг педагогик-психологик йўналишларини аниқлаш, бунда математика таълимининг методик имкониятларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.22.

аниқлаштириш, ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараён моделини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада бошланғич таълимнинг турли жиҳатлари Б.С.Абдуллаева, Б.Р.Адизов, Г.Р.Акрамова, Г.Т.Боймуродова, Н.Ғ.Дилова, Г.Н.Нажмиддинова, Х.П.Назарова, Р.Нуржанова, Р.Ғ.Сафарова, Н.Т.Тошева, З.А.Холматова, Г.Қ.Ҳасановалар томонидан фаол тадқиқ қилинган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни мантикий фикрлашга ўргатиш муаммолари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимлари В.А.Аверин, Н.Г.Белицкая, В.В.Белич, В.С.Библер, П.П.Блонский, В.В.Гагай, П.Гальперин, Б.Гейдман, Е.Л.Горлова, Дайана Халпери, Н.Ф.Дик, А.З.Зак, М.А.Калугин, Н.В.Новоторцева, И.С.Кротов, Г.Г.Левитас, Н.В.Леонова, Л.М.Лихтарников, А.К.Маркова, М.В.Матюхина, С.Б.Спиридонова, М.Мауерман, Г.А.Цукерман кабилар томонидан ўрганилган, математика таълими жараёнида ўқувчилар шахсини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Хориж олимларидан Э.Фромм, М.Мауерман, А.Г.Маслоу, Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл, А.Hargreaves, Н.D.Schmidt, R.Sears, P.V.Sysoyev кабилар томонидан кичик ёшдаги ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатиш, математика ўқитиш жараёнини такомиллаштириш зарурати илмий асосланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш ва уларни мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш ва ўзига хос педагогик-психологик имкониятларини белгилаш;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методлари ва технологияларининг дидактик хусусиятларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга хизмат қиладиган усул, метод ва вазиятларни такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда экспериментал тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёни танлаб олиниб, Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги (жами 9 та) умумий ўрта таълим мактабларининг 649 нафар респондент-ўқувчилари ва 211 нафар респондент-ўқитувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёни мазмуни, шакллари, воситалари, усул, метод ва технологиялари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услугий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг амалдаги ҳолати ўқитувчи фаолиятининг мантиқий фикрлаш даражасини тизимли ташхислаш, ривожлантиришга мотивация, ўқув жараёнида таклиф этиладиган мантиқий вазифалар тизимини ишлаб чиқиш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш вазифаларига ўқув дастурининг мақбул мувофиқлигини ҳисобга олиш хусусиятларини ўқувчининг мантиқий фикрлаш суръати, даражаси, йўналганлигига мослиги орқали аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий, ижодий фикрлашини ривожлантиришда шахснинг интеллектуал қобилиятини ўстириш, ҳозиржавобликка ўргатиш, эвристик изланишга йўналтириш шартлари ўқув топшириқлари, матнли масалалар, мантиқий савол ва топшириқлар, эвристик машқлар ҳамда савол-жавоблар, паузали ўқиш, матн устида ишлаш, дидактик вазиятларни туркумлаштириш ва қўллаш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари болаларнинг муносабат, фаолият ва мулоқот маданияти, маънавий-иродавий, ижобий ҳиссий каби шахсий

сифатларини интеллектуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизими таълим олувчиларни мантиқий мушоҳада қилишга йўналтирилган баҳоловчи, мувофаққиятга ундовчи, когнитив қабул қилишга асосланган вазиятлар эвристик усулларни яратиш ҳамда “Брейнштурминг” (“Ақлий хужум”), Синквейн, Инсерт ўқитиш технологияларининг ўзаро динамик алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда қўлланиладиган ўқитиш методлари ва технологияларнинг дидактик хусусиятлари аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги назарий-эмпирик жиҳатдан асосланган ва “Бошланғич синф ўқувчиларида мантиқни ривожлантирувчи масалалар” номли услубий қўлланма амалиётга жорий қилинган;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизими такомиллаштирилган ва уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган муайян дидактик тизим, ушбу тизимнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан олий ўқув юр்தларининг бошланғич таълим методикаси, педагогика назарияси курси, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш бўйича бошланғич таълимнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат таълим стандартлари меъёрларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш имконини берадиган илғор тажрибалар ва инновацион методлар билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида кундалик фаолиятда қўллаш, фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган мантиқий билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга доир веб-саҳифа (<https://aqlmashqi.uz/>) яратилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-02/4-1189-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг педагогик-психологик жиҳатлари, болаларнинг интеллектуал ривожланиш кўламини (тафаккур тарзи, идрок этиш имконияти, билиши) ҳисобга олган ҳолда мантиқий фикрлаш суръати, даражаси, йўналганлигини аниқлаштириш имконини берган;

бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари болаларнинг муносабат, фаолият ва мулоқот маданияти, маънавий-иродавий, ижобий ҳиссий каби шахсий сифатларини интеллектуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилганлигига оид хулосаларидан “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида яратилган “Педагогика” энциклопедиясининг II ва III жилдларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2860-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълим жараёнида мантиқий фикрлашга йўналтирилган ўқув топшириқлари, матнли масалалар, мантиқий савол ва топшириқлар, эвристик машқлар ҳамда савол-жавоблар, паузали ўқиш, матн устида ишлаш, дидактик вазиятларни туркумлаштириш ва қўллаш орқали ўқувчиларнинг мантиқий, ижодий фикрлашини ривожлантириш шартлари аниқлаштириш имконини берган;

бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий мушоҳада қилишга йўналтирилган эвристик вазиятларни яратиш ҳамда ўқитиш технологияларининг ўзаро динамик алоқадорлигини таъминлашга оид таклиф ва тавсияларини ўз ичига олган “Бошланғич синф ўқувчиларида мантиқни ривожлантирувчи масалалар” номли услубий қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02-02/4-1189-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари болаларнинг шахсий сифатлари (муносабат, фаолият ва мулоқот маданияти, маънавий-иродавий, ижобий ҳиссий)ни интеллектуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (2 таси республика ва 4 таси хорижий журнал) мақола чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида ҳам ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш учун уларнинг муайян ёш даврдаги имкониятларини алоҳида ҳисобга олиш керак. Ўқувчилар ўқитувчилар ва катталар томонидан билдирилган ҳар бир фикрни тўғри, аниқ ҳақиқат сифатида қабул қиладилар. Болалар атроф-оламни ўрганиш жараёнида мантиқий фикрлаш элементларини ўзлаштира бошлайдилар.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш тизимли характер касб этиши лозим. Мантиқий фикрлаш кўникмасига эга бўлган шахс вазиятни тўғри, объектив баҳолаш, унинг мазмун-моҳиятини англашга муваффақ бўлади. Вазиятни тўғри баҳолаш натижасида ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ижобий характер касб этиб, ўқув фаолиятининг маҳсулдорлиги ортади. Натижада ўқувчилар ижтимоий борлиқ, атроф-муҳитга нисбатан синчков, эҳтиёткорона муносабатда бўла бошлайдилар.

Ўқувчилар ўзларининг таҳлилий фаолиятларига таянган ҳолда тенгдошлари, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайдилар ва уларга нисбатан муносабат билдирадилар. Шунинг учун ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашлари ҳаётий зарурият сифатида эътироф этилади. Бу жараёнда ўқувчилар ўзлари дуч келадиган муайян муаммолар ва масалаларнинг ечимини топиш учун мантиқий фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари зарурлигига ишонч ҳосил қилишлари муҳимдир. Уларда бундай ишонч, авваламбор, ўқитувчилар, ота-оналар томонидан ҳосил қилиниши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараёнда дастлаб бир қатор вазифаларни ҳал қилиш лозим. Улар: а) ўқувчиларни мантиқий фикрлаш кўникмаларини эгаллашга руҳан тайёрлаш; б) ўқувчиларнинг ўз фикрлари мантиқий асосга эгаллиги ва қатъийлигига

бўлган ишончларини барқарорлаштириш; в) муайян синф ўқувчиларида жамоавий тарзда мантикий фикр юритишга йўналтирилган педагогик вазиятларни ташкил этиш кабилар.

Ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: ўқувчиларда уларнинг ўзигагина хос бўлган таҳлилий нуқтаи-назарни қарор топтириш; фикрларни қиёслаш кўникмасини қарор топтириш; ўқувчиларни мураккаб муаммоларни ечишга ўргатиш; далилларга асосланган ҳолда баҳслашишга одатлантириш; ягона фикрга келиш учун синфдошлари билан ўзаро ҳамкорликка киришиш муҳитини қарор топтириш; ўқувчиларда мавжуд бўлган билимларнинг, уларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга қай даражада хизмат қилишини аниқлаш.

Шахсинг мантикий фикри қуйидаги хусусиятларга эга: мантикий фикрлаш саволлар қўйиш ва қўйилган муаммони ҳал қилиш жараёнида бошланади; мантикий фикрловчи шахс ишончли далилларга эга бўлиши керак.

Ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-методик ва дидактик таъминотни тақозо қилади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур: ўқувчиларда мантикий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик тизимни вужудга келтириш; ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг мустақил, мантикий фикрлашлари учун педагогик имконият яратиш; ўқувчилар томонидан билдирилган турли-туман фикрларни қабул қилиш, уларни синф жамоаси билан биргаликда қиёслаш ва энг тўғри фикр ҳақида аниқ хулосалар чиқариш; ўқув-билув жараёнида мантикий фикрлаш муҳитини яратиш ва мулоқотда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирок этишини педагогик жиҳатдан таъминлаш; ўқувчиларни улар томонидан баён қилинган мантикий фикрларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигига ишонтира олишга эришиш; ўқувчиларда ўз-ўзига ишончни қарор топтириш ва улар томонидан баён қилинган объектив фикрларни рағбатлантириш; ўқувчиларнинг ўз мустақил фикрлари билан таълим жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлаш; ўқувчилар томонидан баён қилинган фикрларга хурмат билан қараш лозим.

Мантикий фикрлаш кўникмаларининг шаклланиши ўқувчига қуйидаги имкониятларни беради: ўқувчиларнинг фикрлаш жараёни жадаллашади; ўқувчилар ўз олдиларига аниқ мақсадлар қўя бошлайдилар ҳамда ушбу мақсадга эришиш йўллариини излайдилар; ўқувчилар ўзаро бир-бирлари билан фаол мулоқотга киришиш кўникмасини эгаллай бошлайдилар; ўқувчиларда билим олиш, янги ахборотларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлар ортади; ўқув-билув жараёнида ўқувчиларда фаоллик таъминланади; ўқувчиларда улар орасида вужудга келган ранг-баранг фикрларни тинглаш ва мушоҳада қилиш иштиёқи кучаяди; ўқувчиларда ўз фикрларини дадил баён қилиш эҳтиёжи вужудга келади; ўқувчилар эгаллаган билим ва тушунчаларини қайта ишлаш, улар ёрдамида фикр

ифодалаш имкониятига эга бўладилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатиш параметрлари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатишга хизмат қиладиган усул, метод ва вазиятлар ёритиб берилган. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатишда ўқитиш методлари ва технологияларининг имкониятлари, дидактик шарт-шароитлари баён қилинган.


Ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишга хизмат қиладиган таълим технологиялари ўзига хос педагогик имкониятларга эга. Улар: мантикий фикрлашга ўргатиш жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади; ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатиш жараёнида тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади; мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари, ўқувчиларни фикрлаш ва рефлексив фикрлашга ундайди; ҳар бир ўқув вазиятида ўқитувчи ҳамкорлик ва мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади; ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш кўникмаларини аниқлаш учун матн устида ишлаш, рефлексив топшириқлар бажариш, эвристик фаолиятни амалга ошириш талаб қилинади; ўқувчиларда мантикий фикрлашни шакллантириш учун мунозаралар ва лойиҳа методи устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга; ўқувчиларда мантикий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ўқув жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараёни ташкил этишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак: ўқувчиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; амалий тажрибалар ёрдамида ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатиш; ўқув жараёнида ўзаро мулоқот имкониятларини кенгайтириш.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатишда тасвирий санъат намуналари, иллюстрациялар, бадий асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай воситалар ўқувчиларда биринчи навбатда индуктив-дедуктив фикрлашни ривожлантиради.

Бошланғич синф ўқувчиларида ақл-заковат, идрок, сезгирлик, тасаввур, кузатувчанлик, мулоқотга киришувчанлик, эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятлари, ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира шакллари, хулқ-атвор меъёрлари ўқув топшириқлари ёрдамида барқарорлашади ва мустаҳкамланади.

Шу боис, тадқиқот доирасида ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш модели тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш модели тузилмаси

Ўқув топшириқларнинг турли-туман бўлиши уларни мантиқий фикрлашга ундаш билан бир қаторда ўқув жараёнининг қизиқарлилик даражасини ҳам оширади. Уларнинг фикрлаш фаоллиги ўқув жараёнидаги педагогик-психологик муҳит ёрдамида жадаллашади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлиги уларни мантиқий фикрлашга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаш даражалари муайян кўрсаткичлар орқали аниқланади. Улар: ифодаланган мантиқий фикрнинг изчиллиги; фикрнинг далиллар билан асосланганлиги; мантиқий асосга эга бўлган фикрларнинг валидлилиги.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари уларнинг физиологик жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Буни куйидагиларда кўриш мумкин: фикр баён қилиш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни бартараф қила олишлари; қўйилган мақсадга эришиш усулларини қўллай олишлари; аксарият ҳолларда қизиқарли бўлмаган топшириқлар устида ҳам бардош билан ишлай олишлари; ранг-баранг ўқув вазиятларида махсулдор фаолият кўрсата олиш тажрибасига эга бўлишлари ва ўзларининг мустақил фикрларини баён қила олишлари; баҳс-мунозаралар давомида ўзларининг нуқтаи назарларини баён қила олишлари; турли ўқув вазиятларида ўз билим ва кўникмаларини намоён қила олишлари каби.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этишда ўқитувчилар куйидагиларга эътибор қаратишлари керак: бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда муайян педагогик шарт-шароитларнинг яратилиши; бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёни олдида қўйиладиган талаблар; бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда қўлланиладиган педагогик технологиялар.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда муаммоли ўқитиш методидан фойдаланиш самарадорликни таъминлаш имконини беради. Муаммоли ўқитиш методлари ёрдамида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёни самарали ташкил этилади. Масалан, математика дарсларида муаммоли вазиятни ҳосил қилиш учун ўқувчиларга жумбоқли топшириқлар тақдим этилади.

Муаммоли топшириқлар ўқувчиларни мушоҳада қилишга ундайди, мушоҳада эса мантиқий фикрлаш кўламини кенгайтиради. Нарса-буюмларни ўзаро қиёслаш, таснифлаш ва ҳар бирига хос хусусиятларни мустақил таҳлил қилишга ўргатади. Муаммоли топшириқлар ўқувчиларда қизиқувчанлик, номаълум нарсаларни излаб топишга интилиш, эвристик фаоллик кўрсатиш каби сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда уларнинг ҳиссий билиш имкониятларидан ҳам унумли фойдаланилади. Бунинг учун дидактик топшириқлар тўплами тақдим қилиниб, ўқувчиларнинг ҳиссий соҳасига бевосита таъсир кўрсатиш методларидан фойдаланилади. Уларнинг фикрий операцияларни бажаришлари учун қулай педагогик вазиятлар ҳосил қилинади.

Мантиқий характердаги методлар ёрдамида бажариладиган топшириқлар ўзаро изчилликдаги беш босқичда амалга оширилади: ўқувчилар олдида мантиқий

фикрлашга ундовчи топшириқлар қўйиш; ўқувчиларда мантиқий фикрлашнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган далиллар ва зиддиятларни аниқлаш асосида мос келадиган усулларни танлаш; янги усулларни танлаш орқали мантиқий топшириқнинг бир қатор янги ечимларини излаб топиш; ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнининг сифати ва самарадорлигини таъминловчи янги ечимларни аниқлаш ва таҳлил қилиш; иккинчи ва учинчи босқичларни уйғунлаштириш асосида мантиқий топшириқнинг янги ечимларини излаб топиш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаш фаолияти натижаларини аниқловчи қуйидаги кўрсаткичларни белгилаб олиш мумкин: моддий борлиқнинг ўзига хос жиҳатлари ва мантиқий асосларини очишга хизмат қиладиган янги ечимлар; маълум ечимларга мутлақо ўхшамайдиган ечимлар; муҳим ишланманинг лойиҳаси ва унинг тайёр моделлари.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда педагогларга қуйидаги технологиялардан фойдаланишни тавсия қиламиз: “Педагогик ҳамкорлик технологияси”, “Ақлий ҳужум”, “Ролли ўйинлар”, “Мунозара-ринги”, “Ечимлар дарахти”, “Музёра”, “Икки қисмлик кундалик”, “Синквейн”, “Кластер”, “Кубиклар”, “Б-Б-Б”, “Венн диаграммаси”, “Эйлер чизмалари”, “Т-чизма”, “Паузали ўқиш”, “Зигзаг”, “Кейс”, “Пинбоард” кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда кичик гуруҳларда ишлаш жараёни қуйидагича амалга оширилади: ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнларини фаоллаштириш; ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашларини таъминлаш мақсадида қулай шароит ва воситаларни тақдим этиш; ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашлари учун асос бўладиган билимлари захирасини бойитиш, сўз бойлиқларини ошириш учун луғат ишларини кўпайтириш, уларнинг мантиқий фикрлашларига кўмаклашадиган машқ ва масалалар миқдорини ошириш кабилар.

Гуруҳли фаолият жараёнида ўқувчилардан қуйидагилар талаб қилинади: топшириқларни бажаришда гуруҳнинг барча аъзолари тенг иштирок этишлари; ўқувчиларнинг зарур ҳолларда ўқитувчидан кўмак олишлари; топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик қилишлари; бажарилган иш натижалари гуруҳнинг барча аъзолари томонидан муҳокама қилиниши кабилар.

Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишда гуруҳли фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим: гуруҳ аъзоларининг фикрлаш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан гуруҳларга бирлаштирилиши; гуруҳ етакчисини танлаш; фаол фикрлаш тарзига эга бўлмаган ўқувчиларни гуруҳларга тенг тақсимлаш; гуруҳ аъзоларига ўқув топшириқлари тушунтирилиши; муҳокама якунида ўқитувчининг ўз фикрларини баён этиши кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш мақсадида улар билан турли ўйинлар, мунозара вазиятлари ташкил этилади.

Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган ўқув жараёнларида қўлланилган технологиялар мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: ўқувчилар баҳс-мунозара жараёни якунида муҳим

қарорлар қабул қилишга ўргандилар; кичик гуруҳларда ишлаш давомида ҳар бир ўқувчининг мантиқий фикрлаш даражаси яққол намоён бўлди.

Чунки ушбу технологиялар ўқувчиларда мантиқий фикрлаш изчиллигини таъминлашда ўзига хос педагогик аҳамиятга эга: ҳар бир машғулот давомида ўқувчилар олдида уларда мантиқий фикрлашга ўргатишга хизмат қиладиган муаммоли вазиятларни ташкил этиш; муаммоли топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни тадрижий-мантиқий фикрлашга ўргатиш; бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш жараёнида муайян восита, усул ва методлар ёрдамида мойиллик ҳосил қилиш; мантиқий фикрлаш жараёнида ўқувчиларни асосли хулосалар чиқариш, мушоҳада қилишга ундаш; мантиқий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни мураккаб масалаларга ечим топишга тайёрлаш.

“Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган дидактик тизимнинг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобда бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили келтирилган.

Бошланғич синф ўқув дастурлари, дарсликлари, чунончи, Ўқиш, Табиатшунослик, Она тили, Математика дарсларининг таҳлилий натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш билан боғлиқ талаблар аниқ ифодаланмаган. Амалдаги дарсликлар (Ўқиш, Она тили, Математика)да 3-4 синф ўқувчилари учун тақдим қилинаётган ўқув материали ва улар бўйича тузилган топшириқлар кўп ҳолларда таҳлил қилиш, таққослаш, изоҳлаш, баҳслашиш, янги муаммоларни ҳал қилиш каби кўникмаларни шакллантиришга кам даражада эътибор қаратилган, лекин бу ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш учун етарли эмас. Таълимий топшириқлар аксарият ҳолларда “назарий материал”, “ифода тўғри бўлиши учун қўйилиши керак бўлган белгилар”, “ифода тўғри бўлиши учун қўйилиши керак бўлган қавслар”, “мантиқий топшириқлар, қизиқарли масалалар”, “уйда бажариш учун машқлар” ва шунга ўхшаш тартибда белгилар билан берилган, ваҳоланки, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш учун “у ёки бу муаммо бўйича фикр билдириш”, “у ёки бу объект, масалани қийосланг, таққосланг”, “таҳлил қилинг”, “изоҳланг” тарзида берилган топшириқлар муҳимдир.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи шакллантирувчи босқичида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишга хизмат қиладиган ўқув топшириқлари, машқ ва масалаларни танлаб, респондент-ўқитувчиларга тақдим этилди.

Бунда қуйидаги турдаги машқ ва масалалар танланди: 1-2-синф ўқувчилари учун масалалар; 1- 2- синфлар учун жумбоқлар; 1- 2- синфлар учун шаклларга оид масалалар; 2-синф учун матнли масалалар; 3- 4- синфлар учун мантиқий масалалар; 3- 4- синфлар учун кичик викторина; 4-синф учун мантиқий масалалар; оригами – топишмоқлар; тажрибали қурувчи; тажрибали қирқувчи; синчков кузатувчи; иқтидорли ўқувчилар учун Г.Айзенкнинг 50 та сонли тести; иқтидорли ўқувчилар учун Г.Айзенкнинг 50 та визуал тести.

Ушбу материаллар, асосан, математика дарсларида тажриба гуруҳи ўқувчиларига тақдим этилди. Ўқитувчиларга мазкур топшириқлар устида ўқувчилар билан ишлашни ташкил этиш мақсадида бир қатор усул, метод ва ва технологиялар тавсия қилинди. Тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш асосида уларни фаоллаштиришга қаратилган топшириқларни ҳам тақдим этилди. Мазкур топшириқлар асосида ўқувчилардан ижодий матнлар яратиш, унда баён қилинган фикрлар изчиллигини изохлаб бериш, матндаги фикрларни далиллаш, паузали ўқиш, жумбоклар, ребуслар устида ишлаш кабиларга ҳам эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларининг учинчи босқичида ўқувчиларда мантиқий топшириқларни бажаришнинг муқобил усулларида фойдаланиш кўникмасининг шаклланишига ҳам гувоҳ бўлинди. Улар айти бир масалани бир неча усулда ечишга муваффақ бўлдилар. Шу билан бир қаторда мазкур масалаларни ечиш усуллари ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Аксарият ўқувчилар синфдошлари томонидан баён қилинган фикрларни таҳлил қилиб, ушбу фикрларни мантиқий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдилар.


Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича тажриба-синов ишлари респондент ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ташкил этилди. Тажриба-синов ишлари Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги мактабларнинг 211 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 649 нафар ўқувчилари иштирок этдилар. Респондентларни назорат ва тажриба гуруҳларига бўлган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этилди.

Тажриба синовда қатнашган бошланғич синф ўқувчилари олган баҳоларининг умумий ўртача кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба синовда қатнашган бошланғич синф ўқувчиларининг умумий ўртача кўрсаткичлари

1-жадвал

Умумий ўрта таълим	Кўрсаткичи	Тажриба-синов синфлари				Назорат синфлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Барча умумий ўрта таълим мактаблари бўйича умумий натижалар	Аъло	48	14,3	90	26,8	40	12,8	56	17,9
	Яхши	97	28,9	138	41,1	88	28,1	112	35,8
	Қониқарли	151	44,9	108	32,1	139	44,4	121	38,7
	Қониқарсиз	40	11,9	0	0,0	46	14,7	24	7,7
Жами		336	100	336	100	313	100	313	100



2-расм. Тажриба-синов ўтказилган таълим муассасалари бўйича умумий натижалари диаграммаси

Тажриба-синов ишлари натижасида олинган кўрсаткичлар мослиги ва фарқларнинг ҳаққонийлигини текшириш учун қуйидагилардан фойдаланилди.

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

2-жадвал

1-танланма						
Тажриба синфининг кўрсаткичлари	X_i	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)	Ўқувчининг умумий сони $n=336$
	n_i	90	138	108	0	
2-танланма						
Назорат синфининг кўрсаткичлари	Y_j	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)	Ўқувчининг умумий сони $m=313$
	m_j	56	112	121	24	

1-расмда қайд этилган натижалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, танланмалар учун мос ўрта қийматлар $\bar{X} > \bar{Y}$ шартларни қаноатлантиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражасидан тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳининг кўрсаткичидан юқори экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки, $\bar{X} = 4; \bar{Y} = 3,6; \delta_n = 0,19; \delta_m = 0,24$ га тенг.

Бундан ўқитиш самарадорлиги кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{ўск}} = \frac{(\bar{X} - \delta_n)}{(\bar{Y} + \delta_m)} = \frac{4 - 0,19}{3,6 + 0,24} = \frac{3,81}{3,84} = 0,99 > 0$$

Билиш даражасини эса қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:
 $K_{\text{бб}} = (\bar{X} - \delta_n) - (\bar{Y} - \delta_m) = (4 - 0,19) - (3,6 - 0,24) = 3,81 - 3,36 = 0,45 > 0$

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = \frac{3,9464}{3} \cdot 100\% - \frac{3,6389}{3} \cdot 100\% = \frac{30,75}{3} = 10,25\%$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 10,25 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг дарсда мантиқий масалаларни ва топшириқларни бажариш натижасига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган тадқиқот натижалари Қашқадарё вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги 10 фоизга, Самарқанд вилоятида 9 фоизга, Бухоро вилоятида 11 фоизга ошганлиги аниқланди.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш мақсадида ўқув жараёнига киритилган ўқув-услугий таъминот ҳамда ўқитиш усуллари асосида олиб борилган дарс машғулотлари самарали эканлигидан далолат берди. Бошланғич синф ўқувчиларида ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

ХУЛОСАЛАР

“Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш устида олиб борилган тадқиқот ишлари асосида ўқувчиларда ҳосил бўлган умумий ўқув кўникмаларининг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда дидактик тизим тадқиқ этилди.

2. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишдаги муайян тавсиялар ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга, ўрганилаётган масалалар

моҳиятини чуқурроқ англашга ўргатди ва уларнинг дунёқарашлари шаклланишига самарали таъсир кўрсатди.

3. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда тизимлилик, узвийлик ва изчиллик тамойилига эътибор қаратиш, таълим жараёнида бошланган таъсирларни синфдан ташқари тўғарақларда мустақкамланиши ва давом эттирилишига аҳамият қаратиш лозимлиги аниқланди.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда www.aqlmashqi.uz веб-саҳифасидан ва “Бошланғич синф ўқувчиларида мантиқни ривожлантирувчи масалалар” услубий қўлланмасидан ўринли фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини берди.

5. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда ўқитувчи асосий йўналтирувчи куч бўлиб, уларни бу борада илмий-методик тавсиялар ҳамда назарий маълумотлар билан дарсликларда берилган мавзуларни тавсия қилинаётган усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

6. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда синф жамоасидаги педагогик-психологик муҳитни ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳамкорликда ишлаш, кичик гуруҳларда ишлаш, эвристик вазиятларни яратиш, шахслараро мулоқот ва диалогни йўлга қўйиш асосида таълим олувчиларни мантиқий мушоҳада қилишга йўналтириш ушбу мақсадга қаратилган ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

7. Бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатишда ўқув жараёнини аниқ лойиҳалаш ва тўғри ташкил этиш кафолатланган натижа олиш имконини беради.

8. Амалга оширилган тадқиқот натижалари самарали педагогик воситалар, усул, метод ва технологияларни қўллаш натижасида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга изчил ўргатиш тизими шаклланишини асослаш имконини берди. Бу эса тадқиқот фарази тўғрилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қиладиган усуллар, методлар ва технологияларни танлаш, тизимлаштириш ҳамда бошланғич таълим жараёнида фанлар кесимида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган машқ, масала ва топшириқлар тўпламини яратиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишга тайёрлаш мақсадида “Мантиқий фикрлашга ўргатамиз” номли махсус курс ташкил этиш;

ўқитувчиларнинг бошланғич синф ўқувчиларини мантиқий фикрлашга ўргатиш мақсадида семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ташкил этиш;

ўқувчиларнинг фикрий операцияларни бажариш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қизиқарли топшириқлар тўпламини яратиш.

**ОДНОРАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ
НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.03/04.06.2020. Ped.70.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАРАХОНОВА ОЙСАРА ЮЛДОШЕВНА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ОБУЧЕНИЯ
ЛОГИЧЕСКОМУ МЫШЛЕНИЮ УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заномером B2019.4.PhD/Ped788

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сафарова Рохатой Гайбуллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
доктор педагогических наук, профессор

Машаринова Умида Абдувохидовна
доктор педагогических наук (PhD)

Ведущая организация:

Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится «26» 08 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 по присуждению учёных степеней при Каршинском государственном университете. (Адрес: 180100, Узбекистан, г.Карши, улица Кучабог, 17.Тел. (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail:kardu@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрировано за № 55). Адрес: 180100, Узбекистан, г.Карши, улица Кучабог, 17.Тел. (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail:kardu@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «14» 08 2021 года.
(Протокол-реестр рассылки № 6 от «14» 08 2021 года.)



Р.Д.Шодиев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор пед. наук, профессор

И.Б.Камолов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.пед.н.(PhD)

Х.О.Жураев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор пед. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. Перед мировым современным образованием существует необходимость расширения запланированных возможностей с целью разумного анализа различных ситуаций, развития методов устранения сложных ситуаций, разработки различных ситуаций, развитие методов в сложных ситуациях, разработки путей устранения возникающих проблем. Поэтому, сегодня важнейшая задача для науки, непрерывного образования и общества в целом - повсюду сформировать активное, независимое, мыслящее поколение, вооружить его не только научными достижениями, но и высоким уровнем культуры. Только тогда молодое поколение сможет глубоко мыслить и делать логические выводы. Потому что умение логически мыслить формируется в процессе жизнедеятельности. Поэтому в системе образования развитых стран приоритет отдается формированию у учащихся навыков логического мышления путём организации и проведения интегративных занятий, что свидетельствует о необходимости совершенствования дидактической системы, создания условий для обучения учеников ведению диспутов, направления на сознательное мышление, умения выразить свои мысли на основе компетентного подхода.

По всему миру проводится ряд исследований с целью разработки стратегий систематизации процесса обучения человека логическому мышлению и проектированию методов его реализации. При этом особое внимание уделяется организации образовательных процессов, направленных на развитие широкого и творческого мышления учащихся, формирование целевых базовых и научных компетенций с учетом возрастных и психофизиологических особенностей детей. Внедрение эффективных форм и методов обучения школьников начальных классов логическому мышлению исходя из требований личностно-ориентированной образовательной стратегии и грамотного подхода с уделением первоочередного внимания расширению сферы инновационной деятельности учителей начальных классов, развитию их профессиональных компетенций.

В нашей стране особое внимание уделяется совершенствованию методического обеспечения системы начального образования, развитию у учащихся навыков логического мышления на основе инновационных подходов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет такие важные задачи, как «кардинальное повышение качества общего среднего образования, углубленное изучение иностранных языков, информатики, других важных и востребованных предметов, включая математику, физику, химию, биологию»¹. Это, в свою очередь, позволит усовершенствовать дидактическую систему обучения школьников младших классов логическому мышлению, интегрировать современные подходы к ее целостному содержанию, выявить педагогическо-психологические направления обучения детей логическому

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. / Официальное издание / Министерство юстиции Республики Узбекистан. - Ташкент: Адолат, 2017. - С.22.

мышлению, при этом выявить методологические возможности обучения математике, на основе современных подходов модернизировать модель педагогического процесса, направленного на логическое мышление учащихся.

Данное диссертационное исследование окажет содействие в реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования» от 06 апреля 2017 года за №187, в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4708 «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики от 07 мая 2020 года, в Указах Президента УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, а также других нормативно-правовых документах и правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей Республике различные стороны начального образования активно исследованы такими учёными, как Б.С.Абдуллаева, Б.Р.Адизов, Г.Р.Акрамова, Г.Т.Боймуродова, Н.Г.Дилова, Г.Н.Нажмиддинова, Х.П.Назарова, Р.Нуржанова, Р.Г.Сафарова, Н.Т.Тошева, З.А.Холматова, Г.К.Хасанова и другие.

